

ТОҶИГ ЮЛДУЗИ

№38

(6556)

3 ноябр, 1993 йил

ЧОРШАНБА

Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

“ОБУНА-94”

Азиз болалар! Шу кунларда “Тонг юлдузи” газетасига 1994 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна варақчалари барча алоқа бўлимларида қабул қилинади. Шошилинг, ёзилинг. Чунки “Тонг юлдузи” — бу сизнинг газетангиз. У сизга ўқиш ва ишларингизда зарур бўлган барча ахборот ва янгиликларни етказиб беради, мақола, шеър, ҳикояларингизни чоп этади, доимо дўст, маслаҳатчи ва ҳимоячи бўлади.

Унга обуна бўлсангиз — ютқазмайсиз!

...Мактабга боргим келмай қолди. Борсам, ҳамма менга қараётгандек, ҳамма мендан кулаётгандек туюлаверади...
Оилада тўққиз фарзандимиз. Мендан катта икки олам, икки акам ва тўрт нафар ука-сингилларим бор.

юрис- олибман. Узр сўрадим. У бўлса бурнини жийриб: “Ифлос қилдинг. кир ботинканг билан. Бунга “Адиас” дейдилар”, — деди оёғидаги оппоқ, чиройли красовкасига қараб...
Уйга кела-келгунча ўйланиб келдим. Дадам



“МАКТАБГА БОРГИМ КЕЛМАЙДИ”

Хаммамиз бир-биримизнинг кичик бўлиб қолган кийимларимизни кийиб улгайдик. Мен ҳозир 9-синфда ўқияман, катта қиз бўлиб қолдим. Лекин ҳозир ҳам опаларимнинг кичик бўлиб қолган кийим-бошларини аяб кияман, папкаларини тутаман. Чунки уларни мендан кейинги сингилларим ҳам кийиши керак-да. Ойим шундай дейдилар.
Аммо кейинги пайтда мактабимиздаги, синфимиздаги қизларнинг муҳокама қилишади. Мен эса бундай суҳбатларга қўшилмай, бир четда тураман. Шундай пайтларда ўзимни жуда бошқариб қилиб, йиғлагим келиб кетади.

ҳам, онам ҳам ишлашади. Тўмқамиз бор, мол-ҳол боқамиз. Лекин барибир нимагадир улардек яшай олмаймиз. Бизники сингари кўп болали оилалар эса талайгина. Шуларни ўйлаб-ўйлаб газетага ёзим, тенгдош дугоналаримга дардимни тукиб солгим келди. Лекин, бир илтимосим бор, исмиمنى ёзмамлар!..

НОДИРА,
Фаргона вилояти,
Олтиариқ тумани,
Қапчиғай қишлоғи.

МУҲАҲРИРИЯТДАН:
қадрли ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар! Нодиранинг (унинг илтимосига кўра исмини ўзгартирдик) ўқинч тўла бу мактубини бироз қисқартириб ҳукмингизга ҳавола қилишимиз. Чунки нафақат Нодира ўқийдиган мактабда, балки жуда кўп мактабларда бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай? Бизга ёзиб юборинг.

МЎЪЖИЗАКОР ОЛАМ

Тошкентни меҳмонларсиз тасаввур қилиш қийин. Дўстлик шаҳри, меҳмондўст тошкентликлар бағри доимо яхши ниятли кишилар учун очик. 23 октябр кунини пойтахтда биринчи бор ўтказилган “Театр: Шарқ-Ғарб” халқаро фестивали ўз иштини бошлади. “Тинчлик ва тотувлик” шиори остида ўтказилган ушбу фестивал ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари Уюшмасидир. Унда йигирма уч мамлакатдан келган санъат гуруҳлари иштирок этишди. Халқлар ўртасидаги бирдамлик, тинчлик ва биродарлик алоқаларини тарғиб қилиш

қадимдан театр санъати ўз олдига қўйган мақсадлардан биридир. Шунинг учун ҳам ана шундай умуминсоний қадриятларни улугловчи саҳна усталари бу фестивалда ўз санъатларини намоён этиш билан бирга дўстлар билан мулоқотда бўлиш ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар.

Фестивалнинг очилиш маросими ўзига хос бир тантанали айланди. “Туркистон” саройи олдидаги майдонда ўзбек халқи анъаналари, урф-одатлари, маданиятининг энг яхши намуналари жамланган театрлаштирилган саҳна байрам иштирокчиларига хушнуд кайфият бағишлади.

Жаҳоннинг турли бурчакларидан келган саҳна усталари намоён этган ҳар бир спектакл томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Анкара (Туркия) кўғирчоқ театрининг спектакли, айниқса, ҳамма учун қизиқарли бўлди. Ажойиб инсон, уста санъаткор Ҳаяли Торин Желеби ягона ўзи спектаклни бошқариб борди. У саккиз кўғирчоққа жон киргизиш, овоз бериш турди. “Ўзбекистонга саёҳат” деб номланган спектаклда у Хўжа Насриддин ва Качал Полвонлар қаторида турувчи қаҳрамон — Қорақўз саргузаштларини намоён этди.

Озарбайжон ёш томошабинлар театрининг “Уйқу асирлари”, Бишкек драма театрининг “Турна парлари”, Туркменистон

республикаси А.Қулмамедов номидаги Ёш томошабинлар театрининг “Пайғамбарлар ноласи”, Англиянинг Трестл шаҳридаги “Трестл театр компанияси” театрининг томошалари, Фулжиава муниципаль театрининг спектакллари ҳам томошабинлар қалбидан чуқур жой олди.

— Фестивалнинг шиорини “Тинчлик ва ҳамкорлик” деб атадик, — дейди Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси президенти, фестивал Бош директори Бернара Қориева. — Чунки ер юзидаги барча эзгу ниятли кишилар биринчи навбатда тинчликни қадрлайдилар ва ҳар жиҳатдан бир-бирларини ҳамкорлик қилишга чорлайдилар.

Ана шундай олий мақсадни ўз олдига қўйган театрлар байрами — “Театр: Шарқ-Ғарб” фестивали 30 октябрга қадар давом этди.

Суратларда: спектакллардан кўриниш.



“Театр: Шарқ-Ғарб”

23-30 октябр кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари Уюшмасининг ташаббуси билан биринчи бор “Театр: Шарқ-Ғарб” халқаро фестивали бўлиб ўтди.



Маълумки, мактабларда 1-4-синф ўқувчиларига бепул нонушталар ташкил қилинган. Нима учун 5-, 6-... синф ўқувчиларига бепул нонушта берилмайди? Ёки улар улгайиб, мустақил бўлиб қолишганми?

Ҳа, жуда қизиқарли газета! Ишонмасангиз, уни ўзингиз бир варақлаб кўринг, вақтингиз қандай ўтганини билмай қоласиз. Чунки унда ёритилаётган ҳар бир мақола, ҳар бир хат худди сизнинг ҳаётингиздан ёзилгандек.

“ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ!”

3-БЕТ


“МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ МАСКАНИ”

2-БЕТ

— Нега ҳамма ёқ тутун, Биласизми амаки? Ёки осмон тонг сахар, Чекдимикан тамаки?

“ТУМАН”

4-БЕТ



Ҳаммамизда — катталарда, айниқса, болаларда "ажиб" бир қусур бор. Бирор нарсдан қаттиқ таъсирланган ёки бир кимсдан ранжиган пайтларида, ўзларини кўпроқ ҳақ, деб билишади. Воқеа тафсилоти "балки мендан ҳам ўтгандир, мен ҳам айбдордирман", дея ҳолисона кўз билан қарамай, шомша-шомарлик билан ҳулосалар чиқаришга ошиқишади. Шунинг билан бирга улар ўта самимий ва ўзгалар таъсирига тез берилувчан бўладиларки, бу эса биз катталардан бола тарбиясида янада кўпроқ масъулият ҳис қилишни талаб этади.

Маълумки, "Шанба — ота-оналар кuni" саҳифамизда асосан, сиз, катталардан келган мактублар эълон қилинар эди. Бугунги саҳифамизда эса биз катталарни фикрлашга, баҳслашишга, мушоҳада қилишга чорловчи айрим ўқувчиларнинг мактубларини эълон қилаёмиз. Мақсадимиз — сиз азиз ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг бундай мактублар хусусидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишдир. Шу билан биргаликда бола тарбиясида маҳалланинг тутган ўрни хусусида ҳам фикрлашмоқчимиз.



Мен 3-синфда ўқийман. Шухрат исми дўстим бор. У билан 3 йилдан буён қалин дўстимиз, орамиздан қил ҳам ўтмасди. Бир кuni дарсдан кейин Шухратни бирга дарс тайёрлаш учун уйга бошлаб келдим. Шунда ойим мени бир четга чақириб, паст овозда Шухратнинг ота-онаси қаерда ишлашини сўрадилар. Мен отаси қаерда ишлашини билмаслигимни, онасининг эса нон ёпиб сотишини айтдим. Шунда онамнинг кайфияти зумда ўзгариб қолди: — Яна шу бола билан ўйнасанг, худди кўрасан, — тайинлади қатъий оҳангда. Мен онамни тушунмадим.

Ўтган йили ҳам тугилган кунимда синфдошларим табриклагани келишганди. Ўшанда ойим "ўртоқларингни уйга бошлаб келмагин, бирор нарсани ўғирлаб кетишлари мумкин", деган эдилар. Тўғри, уйимизда қўша-қўша гиламлар, рангли телевизорлардан тортиб, биллур қандилларгача бор. Уйда ҳамма нарсаси бисёр бўлсаю бирор дўстимни олиб келишга ҳаддим сигмаса...

Дадам билан ойимнинг дўстлари, танишлари жуда кўп келишади, гурунглашиб ўтиришади. Менинг эса дўстларим йўқ ҳисоби...

Дониёр ДАДАХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.

Мени тушунишмади

Синфимизда Гулнора исми қиз бор. Ўта шаддод, сўзамол бўлганиданми, ҳеч бир мажлис ёки тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмайди. "Болалар бугун дарсдан кейин кетиб қолманглар, мажлис бўлади", эълон қилди баланд овозда Гулнора сўнгги дарсда.

Кўнғироқ чалиниши билан Гулнора одатий жойи — ўқитувчининг ўринини эгаллади:

— Болалар, 3 кундан сўнг меҳнат ўқитувчимиз Жамила онанинг тугилган кuni экан. Шунга 100 сўмдан пул йиғамиз...

Унинг гапи қонун, айтилди — демак олиб келиш шарт. Уйга борсам, ойим ҳам эндигина ишдан қайтган эканлар. Ёдимдан кўтарилмасдан сўрай қолдим. Ойим аввалига "ҳар бир ўқитувчининг тугилган кунига ўқувчилар пул йиғиши шартмикан?" дея бироз аччиқландилар. Кейин эса, ҳозир пуллари йўқлигини, бор пуллариға укам билан синглимга оёқ кийим сотиб олганларини, бир ҳафтадан кейин маош олсалар, беришларини ётиги билан тушунтирдилар.

Эртаси кuni мактабга бордим. Ҳали саломлашиб ҳам улгурмасимдан Гулнора сўроққа тутди:

— Обкелдингми?

— Йўқ, ойим ҳали маош олмабдилар, — дедим бироз ҳижолат чекиб. Шу пайт Гулноранинг қаттиқ кулгусидан безос чўчиб кетдим.

— Эшитдингларми, болалар, ойнси маош олмаган эмиш. Наҳотки катта бир онлада 100 сўм пул топилмасди!

Синфда қаттиқ кулгу кўтарилди. Узимни босолмай йиғлаб юбордим...

Шонир ҚУРБОНОВА,
Тошкент вилояти, Ўқма тумани.

ЎҚИСАНГ, ТУЗУКРОҚ ЎҚИ, БЎЛМАСА...

Кўпчилик ўртоқларимга ҳавасим келади. Мактабдан келгач, дарсларни тайёрлаб бўлиб, бир кўча бўлиб ўйнашади, тўп тепишади. Менинг эса улар билан ўйнашга вақтим бўлмайди. Мактабдан келишим билан қатор юмушларга дуч келаман. Сигир, бузоқни боқаман, дўконга чопаман, укаларимга қарайман. Ўғил бола бўлсам ҳам супир-сидир ишларини қиламан. Дарсларимни қилиб олай десам, кечқурун қиларсан дейишади. Алоҳида дарсхонам бўлмаганидан, кечки овқатни еб бўлишларини, жой бўшашини кутаман. Кейин эса жуда чарчаб, мудраб ўтириб дарс тайёрлайман. Бундай пайтларда миямга ҳеч нарсаси қирмайди. Дарслардан паст баҳо олсам ёки ота-оналар мажлисида мен ҳақимда бирор ножўя гап эшитишса, аввал оймидан, кечқурун эса дадамдан яхшигина дакки эшитишимга тўғри келади. "Ўқисанг, тузукроқ ўқи, бўлмаса — йиғиштир. Далага чиқиб, кетмон чоқ", деб қойишлари ортиқча. Яхши ўқиш учун, шароит ҳам яхши бўлиши керак. Аммо шароитнинг ўзи қани?

Қобил ШОМАНСУРОВ,
Андижон вилояти, Хўжаобод тумани.

Жовдат ҳамма тенгдошлари сингари шўх, ўйинқароқ бола. Шундай бўлсада фанларни "яхши" ва "аъло"га ўзлаштиради. Топқирликда, аўкқоликда кўпчилик тенгдошларидан ажралиб туради, ўқитувчиси бирон топшириқ буюрдики, астойдил киришади. Шундан бўлса керак, ҳар гал ота-оналар мажлисида онаси Дилфуза она ўғли ҳақида фақат илқ гаплар эйтишади. Шундай бўлсада, ҳар тонг ўғлини мактабга кузатар экан, "Яхши бориб келгин. Шўхлик қилма, дарсларни диққат билан тингла", дея тайинлашни қанда қилмайди.

Суратда: Тошкентдаги 62-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Жовдат Исмаилов ота-онасининг умиди қатта!

Р.АЛЬБЕКОВ
туширган сурат.



МИЛЛИОНЕР
ДАДАМ
БЎЛСАЙДИ...

менинг зарли қозонини берди" деб қолди.

Гапларига қизиқиб, сўроққа тутдим:

— Ўғлим, кимнинг ўғли экан ўша ўртоғинг?

— Уми, миллионернинг ўғли. Ҳар кuni эрталаб дадасининг шофёри олиб келиб, олиб кетади. Шофёри кап-катта киши бўлса ҳам, Улугбек сенсирайди, шофёри бўлса уни сизлаб гапирди. Ҳар кuni зўр-зўр кийимлар кийиб келади. Ойи, қанийди менинг дадам ҳам миллионер бўлиб қолсалар-а!


... Тўғриси, мен боламдан бу гапларни кутмаган эдим. Ҳали ёш бола, унча-бунча нарсани тушуниб етмайди, деб ўйлардим. Унинг мурғак тасаввурига шунча нарсаларни сиздира олишини, ўзича ҳулосалар чиқариб қўйишини ҳам кутмагандим, 3 нафар фарзандимга ҳар кuni 200-300 сўмдан пул бериб турсам, кунига 600-1000 сўм атрофида пул керак бўлар экан...

Бу хатни ёзишимдан мақсад, ота-оналар, устозларнинг биргина боланинг бутун синф ўқувчиларига кўрсатаётган таъсири хусусидаги фикрларини билмоқчиим.

Гулсара ҚОДИРОВА,
Қашқадарё вилояти.

ШАНБА —

ОТА-ОНАЛАР КУНИ



Ёшлар тарбияси нафақат оила, мактаб, балки жамиятимиз олдига турган энг долзарб ва аҳамиятга молик вазифадир. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида қўрилган 30 дан ортиқ масаланинг аксарияти болалар тарбиясига бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Президенти Фармони билан "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши — келажакимиз эгалари бўлмиш еш авлодни баркамол, соғлом, етук инсонлар қилиб тарбиялаш ишида муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизнинг "Бир болага етти қўшни ота-она бўлади" дея хўп топиб айтилган нақли бор. Шу маънода ёшлар тарбиясида

таъминлашда, оилавий масалаларда қўлдан келган ерданларини аямаяпти. Биз яна маҳалламизда жойлашган 249-мактаб ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатганмиз. Маҳалла фаоллари тез-тез мактабга чиқиб, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия мавзuida қизиқарли суҳбатлар ўтказиб туришади. Мактаб ва маҳалламиз ҳамкорлигида навоийхонлик, яссавийхонлик, ҳамзахонлик кечалари уюштирдик. Ҳозирги кунда эса мазкур мактабга номи берилган академик Обид Содиковнинг 80 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун қизгин ҳозирлик кўрмоқдамиз. Фанларни аълога ўзлаштирадиган ўқувчилар учун

МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ МАСКАНИ

маҳалланинг тутган ўрни бекиесдир. Бизнинг "Беруний" номидаги маҳалламиз ҳам бу борада талайгина ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Маҳалламиз катта, гавжум, шу билан бирга жуда ахил маҳаллалардан. Унда уюштирилаётган ҳар бир тадбир, мажлислар ҳамжихатлик билан ўтади. Яқинда "Оилада аёл ҳамда болалар тарбиясида эркакларнинг тутган ўрни" ҳамда "Оилада эркак ва болалар тарбиясида аёлларнинг тутган ўрни" мавзусида ўтказилган тадбирларимиз шулар жумласидандир.

Яқинда "Соғлом авлод учун" мавзuida катта тадбир ўтказдик. Шаҳар ҳамда туман солиқлик саклаш бўлиmlаридан, ҳудудимиздаги поликлиникалардан, шаҳар эпидемиология к а с а л х о н а с и д а н , туғруқхоналардан шифокорлар таширф буюриб, додзарб мавзу — болалар саломатлиги хусусида маърузалар қилишди. Мени анчадан бери бир нарсаси ўйлантириб юрарди: маълумки, мактабларда 1-4-синф ўқувчиларига бепул нонушталар ташкил қилинган. Нима учун 5-, 6-... синф ўқувчиларига бепул нонушта берилмайди? Ёки улар улғайиб, мустақил бўлиб қолишганими? Ҳар хил оила, ҳар хил шароит мавжуд. Кимнингидир ота-онаси кун бўйи ишда бўлади. Бола эса вақтида овқатланмаслиги мумкин. Бу нарсаси ривожланиб келаятган еш организмга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Менимча, мактабларда бепул нонуштани 8-синфгача бўлган ўқувчилар учун ташкил қилиш керак.

Маълумки, ҳар бир маҳаллада маҳалла қўмитаси, оқсоқоллар кенгаши, аёллар кенгашилари иш олиб боради. Аммо ёшлар кенгаши-чи? Нима учун бундай кенгаш йўқ? Нима, маҳаллаларда ёшлар йўқми? Аксинча, маҳалла аҳлининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Биз шу мақсадларда маҳалламиз қошида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларни жамлайдиган ёшлар кенгаши тузиш ҳаракатидамиз. Токи, ёшлар орасидаги муаммоларни, мунозарали баҳсларни биргаликда ҳал қилишсин. Турли тадбирлар ва анжуманлар ўтказишсин, бир-бирлари билан яқинроқ танишишсин. Ўз навбатида маҳалламиз фаоллари ҳам ёшларни иш билан

маҳалла жамғармасидан пул мукофотлари ажратамиз. Маҳаллада тарбияси оғир, деб топилган болалар рўйхати бор. Биз уларнинг уйларига тез-тез бориб, ота-оналари, қўни-қўшнилари билан суҳбатлар уюштирамиз. Ҳамкорликда олиб борган ишларимизнинг самараси бўлса керак, шу йил давомида бу мактабда бирорта ҳам ўқувчилар томонидан содир этилган майда безорилик ёки жиноят қайд этилмади. Мактаб маъмурияти ҳамда маҳалламиз қўмитаси шаҳар халқ маорифи томонидан мактов ёрлиғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Мактаб — муқаддас даргоҳ. Ҳар биримизнинг азиз фарзандларимиз таълим-тарбия олганликлари учун ҳам янада қадрлироқ маскан. Кези келганда шу нарсани айтиб ўтишни истардимки, ёшларга билим берадиган ўқитувчиларнинг ўзлари ҳар жихатдан ибратли бўлмоқликлари лозим. Ўқитувчилар ўқувчиларга чекишни таъжикласаларда, ўзлари мактаб йўлакчаларида чекиб туришса, қани бунда мантиқ?! Аёл ўқитувчиларимиз ҳам қизларни пардоз-андозга берилмасликка, турли тақинчоқларга ихлос қўймасликка қақирсаларда, бу нарсаларга ўзлари амал қилмасалар?! Истардимки, устозларимизнинг сўзи билан ишлари бир бўлса, болаларнинг диққатини жалб қиладиган ялтир-юлтир кийим-бошларини меҳмон-изломга бориш учун асраб қўйишса...

Бола тарбиясида маҳалланинг тутган ўрни, деганда, фақатгина маҳалла қўмитасининг ишини тушунамаслик керак. Маҳалламиздаги ҳар бир бола тақдирига ҳар биримиз масъул эканлигимизни доимо ҳис қилмоғимиз лозим. Ҳар бир болага ўз боламиздек қарай олсак, унинг муваффақият ва ютуқларидан шодлана, қайғусига ҳам шерик бўла олсакгина, авлодимизнинг нафақат соғлом, ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб улғайишларига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Санднаби САИДРАСУЛОВ,
"Беруний" маҳалласи раиси.
Тошкент шаҳри.

Саҳифа материалларини
Ф. ЖАЛИЛОВА
тайёрлади.



Октябр ойининг 21 кунида республикаимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганининг тўрт йиллиги кенг нишонланди. Зеро, бу йиллар беҳуда ўтмади. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақидаги қарордан сўнг барча вилоятларда ўзбек тилини ўргатувчи курслар ташкил этилди, корхона ва муассасаларда факультатив машғулотлар ўтказила бошланди. Рус мактабларинда ўзбек тили дарслари алоҳида эътибор билан ўқитила борди.

Натижа ёмон эмас. Қуни кеча пойтахтдаги 125-мактабда бўлиб ўтган "Тил байрами" бунинг ёрқин мисоли бўлди. Байрам ўқувчиларининг етти тилдаги салом-алигидан бошланди. Араб, ўзбек, рус, инглиз, фаранг тилларидаги саломлашнинг тантанага ўзгача завқ бағишлади. Байрам иштирокчиларидан Наргиза Топхўжаева, Шахло Кўчимова, Баҳром Каримов она тили ва адабиёт муаллими Зайнаб опа Кўчимова, Сайёра Аҳмедова, Гулнора Сиддиқова раҳбарлигида ўрганган Э. Воҳидов, А. Орипов, Обид Расулнинг шеърларини,

декламацияларини, Ватанини, халқимизни тараннум этувчи композицияларини намоён этишди.

Мактабнинг рус синфлари ҳам ўзбек тилини ўрганиш борасидаги ютуқларини яхши кўрсата олишди. Улар шу мактабда 12 йилдан буён рус синфларига ўзбек тилидан дарс бериб келаётган Нурия опа Тасқулова бошчилигида ўзбек тилидаги сўзлашув муомаласини қай даражада ўрганганликларини намоён этишди.

Дунё остонадан бошланади, тилни ўрганиш эса — мактабдан. Шундай экан, бу улкан ишни бажариш мактаблар зиммасида ҳам эканлигини бу мактаб жамоаси исботлади.

Суратларда: "Тил байрами"дан кўринишлар.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.

НАҚШБАНДГА БАҒИШЛАДИК

"Инсоннинг қўли меҳнатда, дили худога бўлиши керак". Ушбу ҳикматни буюк алломамиз Баҳоуддин Нақшбанд айтиб ўтган экан. У илгари сурган гоҳлар ҳаммани ватанни севишга, меҳнатни қадрлашга, инсонларга муҳаббат қўя билишга чорлайди. Шунинг учун ҳам у кишининг серқирра ҳаётини ўрганиш, сермазmun сўзларининг маъносини ўқиш биз ўқувчиларнинг қалбида қандайдир бир янги туйғу, жозиба касб этмоқда.

Нақшбанднинг тугилган куни нишонланаётган кунлари биз мактабимизда нақшбандлик кечасини уюштирдик. Унда юқори синф ўқувчилари алломанинг ҳаёти ва фикрларига оид шеърлардан ўқиди.

Кеча қисқа вақт давом этган бўлсада ҳар биримизнинг онгимизда чуқур из қолдирди.

З. ЧОРИКУЛОВА,
Бухоро вилояти, Ёғдудон
туманидаги 23-мактаб ўқувчиси.

КИМЁ ҲАФТАЛИГИ

Чортоқ шаҳридаги иқтидорли болалар махсус мактаб-интернати (лицей) ташкил этилганига ҳам икки йил бўлди. Икки ўқув йили давомида талабалар фанларни чуқур ўзлаштириб, ўқишларни муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Лицейда ташкил этилаётган турли кеча ва мусобақалар уларнинг билимларини янада мустаҳкамлаб олишларига кўмаклашмоқда. Яқинда бу ерда бўлиб ўтган фан Ҳафталиги ҳам ўқувчиларда, ҳам муаллимларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳафталик кимё-биология фанлари юзасидан ўтказилди. Унинг очилиш кунини кимё-биология бўлимининг аълочи ўқувчиси, битирувчи синф талабаси Муҳайё Умарова "Кимё — халқ хўжалиги хизматида" мавзусидаги маърузасини ўқиб берди.

Ҳафталикда тумандаги бошқа мактабларда таълим берадиган 17 нафар кимё фани ўқитувчилари ҳам

иштирок этишди. Улар лицейнинг тажрибали ўқитувчиси Собитхон Исмоиловнинг дарсларида иштирок этишди. Унинг дарс ўтиш тажрибаларидан ўрганишди. Ҳафталик доирасида вилоят кимё ўқитувчиларининг семинари ҳам бўлиб ўтди. Ўқувчилар Чортоқ шаҳридаги районлараро марказлашган кимё базасига экскурсияга боришиб, мутахассислар билан учрашишди. Уларнинг олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишишди. Бундан ташқари поликлиника врачлари Собиржон Умаровнинг ишхонасида бўлиб кимёнинг табобатдаги ўрни ҳақида суҳбатлашди.

Кимё Ҳафталигининг якуни лицей муаллимлар кенгашида кўриб чиқилди ва бу фан лицейда яхши ўрганилаяпти, деган қарорга келинди.

М. САЙРАМОВ,
Чортоқ шаҳар иқтидорли болалар
махсус мактаб-интернати болалар
ва ўсириллар ташкилотчиси.



5-"Б" синф ўқувчилари мактаб бўйича энг тўполончи, шўх синф саналарди. Бугун эса одатдан ташқари ҳолат юз берди. Танаффус пайтида бутун мактабни бошига кўтарадиган 5-"Б" синфдан ташқарига чиқмади. Ҳамма хайрон, ҳамма лол! Ўзи нима гап? Синфга охиста, хавотирли бош суққан ўқитувчи-ю ўқувчилар хайратдан лол қолишди. Бир синф ашаддий тўполончи болалар берилиб қандайдир газетани ўқишяпти:

"Ойим уч сўм берувди,

Ипагин эшиб кўйдим.

Ҳасис дадамнинг эса,

Чўнтагин тешиб кўйдим".

Синфда қаттиқ кулгу кўтарилди.

Бу қандай газета бўлдикин?

Тўполон бўйича мактаб биринчилигини олган бу болаларники қизиқтирибдими, демак қизиқарли газета экан-да!?

Ҳа, жуда қизиқарли газета! Ишонмасангиз уни ўзингиз бир варақча кўринг, вақтингизнинг қандай ўтганини билмай қоласиз. Чунки унда еритилаётган ҳар бир мақола, ҳар бир хат худди сизнинг ҳаётингиздан езилгандек, ҳар бир ташвишли мактубда сизни ҳам кўпдан ўйлантириб юрган муаммо ҳақида езилган бўлади.

Агар "Хандобус" саҳифасини ўқиб,

кувноқлар даврасига тушиб қолгандек бўлсангиз, "Нилуфар" саҳифасидаги мақолалар билан танишгач ўзингизни мунис, она табиат қўйнида юргандек ҳис қиласиз. "Ўзим тайёрладим, мазалими?" рукни қиз болаларни кўплаб пазандалик сир-асрорларидан воқиф қилса, "Дўстлик манзилгоҳлари" рукни янги-янги дўстлар орттиришингизга кўмаклашади. Дугонасининг русмбоп, қимматбаҳо кийимлар қия олмаслиги учун синфдошлари олдида изза қилган Нигора, онаси бир шапалоқ ургани учун уйдан кетиб қолган Самандар исмли боланинг кечмишлари ҳақида "Мунозара" клубида ўқисангиз, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан "Шанба — ота-оналар куни" саҳифасида танишасиз.

Бундан ташқари, "Томоша" болалар театр-студияси, "Болалар", "Богдо" гуруҳлари ва шу каби жуда кўплаб еш санъаткорлар ижоди билан яқиндан танишасиз. Таниқли болалар шоирлари, ёзувчилари билан учрашасиз, қизиқарли ҳикоят ривоятлар, қувноқ хандаларга ошно бўласиз. Яна бир қулайлиги, сиз учун энг азиз, ардоқли бўлган кишингизга аталган эзгу-ниятларингизни, дил сўзларингизни газета орқали изҳор эта олишингиз мумкин. Дилингиздаги ҳаммадан яширган сирингизни "Дардингни деворга еза"га еза оласиз ва ҳоказо! Ҳа, қай бирини ҳам езай!

Буларнинг ҳаммаси қайси газетанда дейсизми? Албатта "Тонг юлдузи"да-да, бошқа қаерда ҳам бўлиши мумкин! Уни қаердан топиш мумкин, дейсизми? Қидириб, овора бўлиш шарт эмас. Газетага 1994 йил учун обуна бўлсангиз бас, севимли газетангиз "Тонг юлдузи" ҳар ҳафтада бир бор эшигингизни қоқаверади!

Обуна бўлсангиз, — ҳеч афсусланмайсиз, ишонаверинг!

Ф. СП—1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
" ТОНГ ЮЛДУЗИ " № 64563
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

РЎЗНОМАСИГА ОБУНА

обуна соли

1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНН ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в.	жойи

(нашр кўрсаткичи)

" ТОНГ ЮЛДУЗИ "

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна соли
янги маълумот			
янгиланган			
юбориш	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

“Тонг юлдузи”га обуна бўлсангиз,
ҳеч афсусланмайсиз:

Обуна баҳоси:
1 йилга — 3,048 сўм
6 ойга — 1,524 сўм
Нашр кўрсаткичи: 64563.



ЎЗБЕК ТИЛИМ

Ўзбек тилим, давлат тилим,
Хурсанд бугун ўзбек элим.
Алифбодан олиб сабоқ,
Қувончимдан дилим бир чоқ.
Она тилим доно тилим,
Олмоқдаман чуқур билим.
Навоийдан қолган мерос,
Ҳикматларинг нуқул илм.
Бермай келдик ҳеч эътибор,
Шунинг учун топдинг озор.
Бошқа тилини устун қўйиб,
Қилганмиз рост сени хор.
Яхшиямки истиқбол бор,
Сенга берди зўр эътибор.
Жамол дейди, давлат тилим,
Энди сира бўлмайсан хор!
Ўзбек тилим, давлат тилим,
Хурсанд бугун ўзбек элим.

Жамол УСМОНОВ,
Наманган вилояти, Норин туманидаги
30-мактаб.

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАСИ

Сўлим қишлоқ. Ажиб манзара.
Кўкда кезар танҳо тўлин ой.
Эгасига интизор бўлиб,
Қаердадир кишнаб қўяр той.
Чин гўзаллик асли шу ерда
Ахир бежиз айтилмас қишлоқ.
Дехқон ишлар, ботганча терга
Оромгоҳи билсанг кенг ўтлоқ.
Шаҳардаги баланд уйлар йўқ,
Йўлларида мошин камқатнов.
Дўстин ёки қондошин излаб,
Адашмайди бу ерда биров.
Одамлари содда, ширин сўз
Манманликдан мутлоқ бегона.
Тиним нима билмай ишлайди,
Тоға юрагида эл дарди ёна.

ЭРТАК

Дам мовий осмонга
боқардим маюс,
Дам юракдан кулгу
бирлаң қистарди.



Дам чапаклар чалиб,
Баҳор эртаклари
шунинг истарди.
Эй, Паҳлавон, тўхта!
кўзда аланга
Юракда ҳаяжон
билан чопаман.
Гўёки, Паҳлавон
эшитмагандай,
Илдам қадам ташлар,
мен югураман.
Эртаклар олами
жуذا қизиқдир,
Сен унда бош ролни
ўйнайсан фақат.
Баъзан чақалоқсан,
баъзан қартайган
Фақат бошда буца
қилгин сен диққат.
Дам сен чақмоқ бўлиб,
девсифат бўлиб,
Дам баҳор гулидай
ёноқ-ла кулиб,
Ботир кучга тўлган
баҳодир йигит.

Лобархон БЕКНАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти, Нарпай тумани,
Олтиўил кўргонидаги 32-мактаб.

АЛДАГАН ЭДИК

Мансур хуррагин отиб,
Ётар эди чалқанча.
Ҳеч жойидан турмади,
Ўйготсак ҳам ҳар қанча.
Уни анча алдадик,
Ишонмади тирмизак.
Охири базўр турди,
Ошдан қоласан десак.
Энди, "Қани деб ошим?" —
Ёмгир қилар кўз ёшин.

ТУМАН

Ҳаммаёқ эди туман,
Эрталаб туриб Омон,
Бир кишини учратди,
Ва у бирдан сўз қотди.
— Нега ҳаммаёқ тутун,
Биласизми амаки?
Ёки осмон тонг саҳар,
Чекдимикан тамаки?!



ҚЎШНИЛАР

— Фарҳодларнинг уйини,
Кўрсатвор-чи, Холида?
— Ўзингиз бораверинг,
Бизнинг уйнинг олдида!
— Уйлари-чи, қаерда,
Ҳеч бормаган эдим-ку?
— Фарҳодларнинг уйининг,
Яқинида дедим-ку!

КИРПИТИКАННИНГ БОЛАСИГА НАСИҲАТИ

— Болажоним, мард бўлгин,
Қўрмагин бўридан ҳам.
Бўри у ёқда турсин,
Ўрмоннинг зўридан ҳам.
Илонни кўриб қолсанг,
Шу заҳоти гумдон қил.
Ким сени сийман, деса,
Оғзи-бурнини қон қил.
Асло кўрқиб қочмагин,
Ёпишса ҳам кўп бўлиб.
Ҳеч нарса қилолмайди,
Ётаверсанг "тўп" бўлиб!

Ориф ТЎХТАШЕВ.

Айтдим пинҳон сўзларим
Самандар, оққушларга.
Суяниб яшаганим, суйганим —
Ўнгидан келмаган тушларга.

Телбаллик руҳимни аврамас сира
Тангрим ишларига кўниб ўтаман.
Туманга ўранган юрак совқотар,
Мангулик қаърига сингиб кетаман.

ИЗ

Тунги лолазорда тентирайди руҳ,
Бахт не, деб ойдан у жавоб сўрайди.
Зухрога туташди бир нолаю оҳ,
Саҳоват тахтидан бир тож излайди.
Ойнинг гардиши бу — тилинар бағр,
Кимнидир орзулар элитган чоғи.
Сенинг сассизлигинг у ҳам билади,
Матлуб ҳидлар — бахтинг байроғи.
Тунги лолазорда тентирайди руҳ...

Мавжуда АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Чучук
қишлоғидаги 19-мактаб.

— ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ —

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!
Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирил-
ган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида
расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бў-
лиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул
қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручка-
ларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли
қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фа-
милиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катак
тарни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари
тўлдиради.


Бошқотирма

"ҲАР ИККИ
ТАРАФДАН"

Азиз муштарий! Ушбу
бошқотирмада ҳар икки
тарафдан ўқилганда бир хил
маъно англатадиган
тўққизта беш ҳарфли сўзлар
яширинган. Уларни ўқшаи
шакл ва бир хил кўринишдаги
ҳарфлардан ўқиш билан
техингизни синаб кўринг.
Сўзлар ундош ҳарфлардан
бошланади.

Қани ким бошқотирмани
тезроқ ҳал қила олади?

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.



Ҳурматли синфдошларимиз
Бекзодбек, Шерзодбек, Аҳмаджон,
Шерзодбек, Хушнудбек, Жамшидбек!
Тўғилган кунингиз муборак бўлсин!
Донмо соғ-саломат бўлиб, аёло
баҳолабга ўқиб юринглар. Келгуси
ҳаётингизда улкан зафарлар тилаб
қоламин.
Эзгу-ниятлар тилаб, устозингиз ҳамда
синфдошларингиз.
Андижон вилояти, Хўжаобод
туманидаги 11-ўрта мактабнинг 7-«В»
синф ўқувчилари.

Табриклаймиз!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир хайъати:
С. БАҲОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тасвир этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чорshanба кuni чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ-32 УЙ
Нашр кўрсаткичи: 64563

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компютеридида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—596. 29389 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6